Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 1-iyul, seshanba № 80 (3429)

Бизнинг муқаддас вазифамиз — Ватан шону шуҳрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.
Ислом КАРИМОВ

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

Ўзбекистон мустақиллиги, ўз миллий валютасига эга экани халқимизнинг улкан ютуғидир. 1994 йил 1 июл мамлакатимиз солномасида тарихий сана. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган фармонига мувофиқ шу куни миллий валютамиз — сўм юртимиз ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида муомалага киритилган.

Иқтисодий мустақиллигимиз тимсоли

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилганига 20 йил тўлди

Миллий валютани жорий этиш инқилоб билан тенгдир, деган эди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, жаҳон тажрибасидан маълумки, бунга эришиш учун кўплаб давлатлар узоқ ва машаққатли йўл босиб ўтган. Кўп ҳолларда бу иқтисодий инқирозга, нархларнинг ўсиб кетиши ва маҳсулотлар танқислигига сабаб бўлган.

Юртимизда сўмни муомалага киритишда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Миллий тараққиёт тамойилларига мувофиқ бу жараён ҳам босқичма-босқич амалга оширилди.

Аввалига сўм-купон жорий этилиб, четдан кириб келаётган, қадрини йўқотган пулнинг йўли тўсилди. Юртимиздаги арзон маҳсулотларнинг бошқа республикаларга «оқиб кетиши»нинг олди олинди. Энг муҳими, сўм-купон орқали миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва ҳисоб-китоблар механизми ўрганилди. Инфляцияга қарши чоралар ишлаб чиқилиб, синаб кўрилди. Жаҳон валюталари билан муомалада пулимизнинг кучи, қадри ва харид қуввати аниқланди.

Миллий пулимизнинг барқарорлигини таъминлаш, тўлов қобилиятини ошириш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсати юритилмоқда. Инфляция паст даражада сақланмоқда. Тижорат банкларининг жами капитали ҳажми ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг изчил ўсаётгани, экспорт салоҳияти тобора юксалаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар самарасида саноат тармоқлари кенг ривожланмоқда. Импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожи янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилаётир.

Бугун мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пастлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб, банк тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.

Мамлакатимиз банкларининг ресурс базаси кенгайиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир.

Бу халқаро молия муассасалари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган «барқарор» рейтинг даражасига эгадир.

(Давоми 3-саҳифада).

НЕ БАХТ, БУ МАЪВОДА ЭРК БОР, ИМКОН БОР

Дунё бир бутундир, ортиқ-ками йўқ,
Меъмор чизгисидан муқаддами йўқ,
Тенги йўқ неъмат бу, мукаррами йўқ,
Не бахт, бу маъвода эрк бор, имкон бор,
Тақдир иноятн — Ўзбекистон бор.

Танда жоним десам камдир шу боис,
Меҳру-муҳаббатим жамдир шу боис,
Ушбу дамлар ширин дамдир шу боис —
Не бахт, бу маъвода эрк бор, имкон бор,
Тақдир иноятн — Ўзбекистон бор.

Кўнглим менинг усиз бутун эмасдир,
Тилим бурро, қўлим узун эмасдир,
Севсам, тўкинлиги учун эмасдир —
Не бахт, бу маъвода эрк бор, имкон бор,
Тақдир иноятн — Ўзбекистон бор.

Бахти тўкисликнинг ифодаси у,
Эзгуликнинг элчи шабодаси у,
Ўзбек деган бекнинг бекзодаси у —
Не бахт, бу маъвода эрк бор, имкон бор,
Тақдир иноятн — Ўзбекистон бор.

Дерлар: севилганнинг севгиси ажаб,
Шараф тожи эрур балки шу сабаб;
Тонг ҳам ороланар қуёшга қараб —
Не бахт, бу маъвода эрк бор, имкон бор,
Тақдир иноятн — Ўзбекистон бор.

Таъриф кўп, тавсиф кўп — етмас, жуда кам,
Муқаддас, мўътабар, якто, муҳтарам,
Кўз ўнгимда доим қайда бўлсам ҳам —
Не бахт, бу маъвода эрк бор, имкон бор,
Тақдир иноятн — Ўзбекистон бор.

4

2014 йил – Соғлом бола йили

Ҳамкорлик давом этади

Пойтахтимизда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида амалга ошириб келинаётган «Менинг қадрим бор! Мустақил ҳаётга қадам!» лойиҳаси якунларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, «Sen yolgiz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси директори Гулноза Обидова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади. 2010 йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган «Менинг қадрим бор! Мустақил ҳаётга қадам!» лойиҳасидан кўзланган мақсад имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларга тиббий-психологик, ҳуқуқий, ижтимоий кўмак кўрсатишдан иборат.

Анжуманда васийликдан чиқаётган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яхши таълим олиши ва ишга жойлашишида кўмаклашиш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашилди.

ЎзА

Ёз — 2014

Хива туманидаги оромгоҳларда болажонларимизнинг дам олиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, ҳар бир навбатнинг очилиши ва ёпилишида Хоразм қўғирчоқ театри жамоаси янги дастурлари билан иштирок этяпти. Туман касаба уюшмалари ташаббуси билан нафақат оромгоҳларда, шунингдек, туманда фаолият юритаётган дам олиш масканларида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларини ташкил қилиш анъанага айланиб бормоқда.

ҲАР БИР КУН ТААССУРОТГА БОЙ

ЎзА сурати

«Алпомиш» оромгоҳида Соғлом бола йили ҳамда Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида болалар фестивали ўтказилиб, вилоятдаги таниқли эстрада хонандалари иштирокида гала концерт ташкил қилинди.

Тадбирда тумандаги 5 та оромгоҳдан 505 нафар ўғил-қиз, шунингдек, 50 нафарга яқин тарбиячи ва етакчилар қатнашди. Болажонлар ўртасида расмлар кўрик-танлови ва шахмат-шашка, стол тенниси бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Ғолиблар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Д.РАЗЗОҚОВА,
Хива туман касаба уюшмалари Мувофиқлаштириш кенгаши раиси

Пастдарғом туманидаги «Гўзалкент» оромгоҳида жорий мавсумда 355 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган.

ТАЪТИЛ ЗАВҚИ

Бу ерда болажонлар учун барча шароит яратилган. Чўмилиш ҳавзаси, мўъжаз ўйингоҳ улар ихтиёрида. Кутубхона янги адабиётлар билан бойитиб борилаётир. Оромгоҳ раҳбари Абдулла Муродовнинг таъкидлашича, туман маданият бўлими жамоаси томонидан ҳафтада бир неча бор маданий-маърифий тадбирлар уюштирилаётир. Дам олувчилар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, сузиш, югуриш каби турлари бўйича мусобақаларда фаол иштирок этишаётир.

— Бу ерда ташкил этилган турли тўгаракларда қатнашаяпмиз. Тарбиячи ва мураббийлар томонидан «Балли, қизлар» танловида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритдим. Таассуротларим чексиз, — дейди Сўғдиёна Эрдонова.

Орзубек КАЗИМОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

«Фарғонаазот» ОАЖ тасарруфидаги «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Қувасой шаҳрининг Кўчқорчи қишлоғида жойлашган. Баҳаво ушбу масканда ҳар йили корхона ходимларининг 1200 нафардан зиёд фарзанди таътилни мароқли ўтказади.

ХУШМАНЗАРА ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Бу йил ҳам оромгоҳда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилди. Жумладан, ошхона, ётоқхона, катта ва кичик сув ҳавзалари (бассейнлар), спорт майдончалари, тўгарак машғулотлари ўтказиладиган хоналар ва ёрдамчи бинолар сифатли таъмирдан чиқарилди.

— Тарбиячи, педагог ва мураббийлар болаларнинг кўнгилдагидек дам олиши учун бор имкониятни ишга солишяпти, — дейди оромгоҳ раҳбари Охунжон Валиев. — Болажонлар соғлиги малакали тиббиёт ходимлари назоратида. Тиббиёт пункти зарур дори-дармон, даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланган. Корхона раҳбариятининг ташаббуси билан 15 та компьютер жамланмаси, спорт анжомлари келтирилиб, болалар ихтиёрига топширилган. Тасвирий санъат, рақс, моҳир қўллар, компьютер саводхонлиги, экология сингари тўгараклар қатори теннис, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, футбол, сузиш, енгил атлетика каби секциялар фаолият кўрсатмоқда. Турли қизиқарли, кўнгилочар тадбирлар, мусобақа, викторина ва ўйинлар ташкил этилаётир. Оромгоҳ ҳудудида пишиб етилган турли мевалар, полиз маҳсулотлари болалар дастурхонига пешма-пеш тортиляпти. Дам олувчиларнинг зиёратгоҳ ва қадамжоларга, хушманзара табиат қўйнига саёҳатлари уюштирилаяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

САЛОҲИЯТЛИ ЁШ МУТАХАССИСЛАР

Бухоро давлат тиббиёт институтининг даволаш, стоматология, тиббий педагогика ва олий ҳамшираликиши йўналишларини битирган 356 нафар йигит-қизга бакалаврлик дипломи топширилди.

Олий ўқув юртидаги таҳсил давомида ўз ихтисослиги бўйича чуқур билим ва амалий кўникмага эга бўлган бу ёш мутахассислар энди аҳоли саломатлигини асраш йўлида турли тиббиёт муассасаларида меҳнат фаолиятини бошлайди. Битирувчилар орасида ординатура ва магистратура босқичларида ўқишни давом эттириш истагида бўлган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Суратда: битирувчилар Насиба Қосимова, Тахмина Раҳимова ва Жаҳонгир Шодиев.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Ishonch
2014-yil 1-iyul № 80 (3429)



«ЖИЙДАЛИ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Jiydali Boysun» масъулияти чекланган жамияти «Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмагида келтирилган замонавий технологиялар асосида сифатли полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Ўнга яқин киши меҳнат қилаётган кичик корхонада кунига 800 дона 10 ва 15 килограмли пластмасса яшик ҳамда 500 дона 10 ва 20 литрли пластмасса идишлар тайёрланмоқда. Бу маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Суратда: корхона ишчиси Хуршид Ғаффоров.

ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

Намунали бошланғич ташкилотлар ҳаётидан

«Тошкент Иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Мунира Қосимовани меҳнат муҳофазаси хавфсизлик техникаси хонасида учратдик. Бу ерда навбатдаги гуруҳ аъзолари билан машғулот ўтказилаётган экан.

Интилганга толе ёр

— Корхонамизда ишчилар меҳнатини муҳофазалаш, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш доимий диққат-марказимизда, — дейди касабақўм етакчиси. — Мазкур хонада тренажёр ўрнатилган бўлиб, кўп йил ишлаб чиқаришда меҳнат қилган мутахассисларимиздан тортиб, коллежни битириб, янги ишга жойлашган ёшлар ҳам белгиланган ўқув машғулотларини ўтаб, имтиҳон топширишади. Ўқув-ишлаб чиқариш маркази раҳбари Неъмат Баротов, муҳандис-технолог Шавкат Маҳмудов ҳамда электрон дастурчи Мадиёр Умбетов хавфсизлик техникаси борасида катта тажрибага эга.

«Тошкент Иссиқлик электр станцияси» пойтахт вилоятидаги кўзга кўринган корхоналардан. Бу ерда 1468 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

— Бошланғич ташкилотимиз касаба уюшмалари фаолиятига оид устувор йўналишларнинг бажарилишини таъминлаш, ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш орқали меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Мунира Қосимова. — Бунда, албатта, жамоа шартномаси муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти.

Корхонада амал қилаётган мазкур ҳужжат Меҳнат кодекси, ЎзКУФК тавсиялари, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси билан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасидаги тармоқ тариф келишуви инобатга олинган ҳолда тузилган.

Жамоа шартномаси 182 банддан иборат бўлиб, ўтган йили унинг тўлақонли бажарилиши учун ҳар бир ходимга 8 млн. 136 минг сўм сарфланди.

Бўлинмаларда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик асосида сайланган 38 нафар вакил фаолият кўрсатяпти. Уларнинг барчаси ўқитилиб, тегишли гувоҳнома берилган.

Бошланғич ташкилот қошидаги меҳнат муҳофазаси комиссияси саъй-ҳаракати билан корхонага амалиёт ўташ учун келган Қибрай Энергетика коллежи ўқувчилари ва ишга қабул қилинган ёш мутахассислар учун семинарлар ўтказиляпти. Корхона хавфсизлик техникаси бўлими билан ҳамкорликда янги ишга жойлашган ёшларга кириш кўрсатмалари, иш жойида мавжуд бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш юзасидан йўриқномалар ўтказилди. Жорий йилда 124 нафар 2-босқич ва 49 нафар 3-босқич ўқувчилари корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўташди. 3-курс ўқувчиларига корхона томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси бўйича 211 минг 870 сўм миқдорида ойлик маош тайинланди.

Ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида иш жойлари шаҳодатдан ўтказиляпти. Ноқулай иш шароитида банд бўлганларга махсус кийим-бош, пойабзал, гигиена ва шахсий ҳимоя воситалари, сут маҳсулотлари бериб бориляпти. Белгиланган вақтда тиббий кўрик ташкил этилмоқда. Шунингдек, аниқланган касалликлар бўйича шифокорларнинг тавсиясига биноан ходимлар соғломлаштиришгикланиш марказида ишдан ажралмаган ҳолда даволанмоқда. Зарур ҳолатда энерготизимга қарашли стационар ва республикамиздаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратиляпти. 2 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан машғул 6 нафар аёлга 573 минг сўмдан бир марта тўланадиган моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ходимнинг никоҳ тўйи, фарзанд туғилганда, фарзандининг никоҳ тўйида ҳамда яқин қариндошларининг дафн маросимларида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериляпти. Ўтган йили 23 нафар ёшга никоҳ тўйлари муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган икки йил давомида 256 нафар ишчи-хизматчининг Бухоро, Самарқанд ҳамда Хива шаҳарлари бўйлаб саёҳатлари уюштирилди.

Яна бир аҳамиятли томони, корхона ёрдамчи хўжалигида қишлоқ ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, зарарли меҳнат шароитида ишлаётганлар бепул сут маҳсулотлари билан таъминланяпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги дастури асосида етиштирилган картошка, пиёз, сабзи ходимларга тарқатилмоқда.

Корхона ҳудудида маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси қарори асосида 3 та савдо шохобчаси, Саноатқурилиш банки Қибрай филиали, кичик новвойхона ва ишчилар ошхонаси фаолият кўрсатмоқда.

— Маъмурият билан йўлга қўйилган ижтимоий шериклик яхши самара бераётир, — дейди касабақўм етакчиси. — Бундан ташқари, бошланғич ташкилотимиз «Излаган одам ҳамиша имкон топади» тамойили асосида фаолият кўрсатмоқдаки, бу ишимизда қўл келяпти.

Бошланғич ташкилот ҳавас қилгулик натижаларга эришяпти. Ўтган йили тармоқ касаба уюшмаси томонидан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида 1-ўринга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган танловда эса рағбатлантирувчи ўринга сазовор бўлгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Ўқув

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ўқув марказида тармоқ касаба уюшма Республика кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ходимлари касаба уюшмаси кенгашларининг Ёшлар кенгашлари раисларига захирага олинган кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув ташкил этилди.

Малака ошди, дунёқараш ҳам

Ўқув машғулотларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда касаба уюшмаларининг ўрни, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда ёшлар кенгашлари салоҳиятини ошириш каби мавзулар асосий ўрин эгаллади. Шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятига доир билимларни чуқурлаштириш билан бирга, касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки, бошқарув ва мулоқот жараёнида нутқ маданияти, электрон ҳукумат тизими, бошқарув маҳорати каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Амалий машғулотлар давомида Тошкент шаҳридаги намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотларига ташриф уюштирилди.

Тадқиқотлар оламида

Ўқув иштирокчилари Турин политехника университетида илғор педагогик ва ахборот технологиялари орқали илм-фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда олиб борилаётган ўқув жараёни билан танишишди. Замонавий ўқув биноси, махсус лаборатория, технопарк, мехотроника марказларини кўздан кечиришди. Талаба-ёшларнинг мураккаб техник қурилмаларни моҳирлик билан бошқариши кўпчиликнинг эътиборини тортди.

194 нафар аъзодан иборат университет жамоаси Шуҳрат Расулов етакчилик қилаётган касаба уюшма ташкилоти фаолиятидан мамнун. Аъзолар учун қулай меҳнат шароити яратилган, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзалари улар хизматида.

Касаба уюшмаси ва ёшлар

Тошкент темир йўл муҳандислар институтида ташкил этилган амалий машғулотлар ҳам барчага манзур бўлди. Институт мамлакатдаги тўнғич масканлардан бўлиб, ҳозирда 1040 кишилик жамоа Зебо Тўлаганова етакчи бўлган касаба уюшма ғамхўрлигини ҳис қилиб яшамоқда. Ёшлар кенгашига эса талаба Аҳроржон Маҳмудов бошчилик қилади.

Ёшлар кенгаши ўз йиллик режасига эга бўлиб, институт маъмурияти ҳамда «Камолот» ЁИҲ билан ижтимоий шерикликда иш олиб боради. Хусусан, 2013-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига кўра, талаба касаба уюшма розилигисиз ўқишдан четлатилиши мумкин эмас.

ТошТЙМИ кўпгина олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, дунёнинг қатор мамлакатлари (Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Эстония, Полша, Малайзия, АҚШ ва ҳ.к.) билан яқин алоқалар мавжуд.

Талабалар тарбиясида институтдаги маънавий муҳит ҳам етакчи ўрин тутади. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, музей ишлари, жисмоний тарбия ва спорт ривож топган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади.

Музейга саёҳат

Ёш кадрлар пойтахтдаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида ҳам бўлишди.

Музей касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда фаолият юритади. Касаба уюшмаси ва маъмурият томонидан тадбирлар, танлов ва мусобақаларда жамоанинг фаол иштироки таъминланади. Ходимларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши учун спорт зали ҳам мавжуд.

— Бу каби ўқувларнинг ташкил этилиши билимимизни ошириш билан бирга, ўзаро тажрибалар алмашиш имкониятини ҳам яратди, — дейди Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши аъзоси Муножот Норова. — Ўқув давомида танишган фаоллар билан кейинчалик ҳам ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Бандлик

ЧУСТДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Туман ҳокимлиги, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қирққа яқин корхона, ташкилот ва муассаса бир юз олтмишдан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди.

«Соғлом авлод йили» Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ўз мутахассислиги ва лаёқатига кўра ишга йўлланма олганларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Шунингдек, иштирокчиларга мутахассислар томонидан туманда барпо этилаётган янги иш ўринлари ҳақида маълумотлар, меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза масалаларига оида маслаҳат ва тавсиялар берилди.

ЎзА

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида

Жамоа шартномалари ва келишувларига хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга қўшимча таътиллар бериш, 12 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд бўлган ходималарга қўшимча меҳнат таътиллари ва қўшимча дам олиш кунларни белгилаш каби мажбуриятларнинг киритилиши, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, иш жойларида муҳитнинг яхшиланиши, унумдорликнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган ёш оналар, кам таъминланган оилаларга касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам бериляпти. Ўз-ўзидан бу каби ғамхўрликлар хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада оширишга, уларнинг меҳнат фаолиятини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ғамхўрлик фаолликка ундайди

Чунончи, Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой текстил», Қарши шаҳридаги «Санам» масъулияти чекланган жамиятлари, Яккабоғ, Нишон пахта тозалаш заводи ва бошқа нодавлат секторидаги корхоналарда жамоа шартномалари асосида ойлик маоши сақланган ҳолда кўп болали аёлларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган. Шунингдек, вилоятдаги кўплаб умумий ўрта таълим мактабларида ёш боласи бор педагог аёллар учун дарслари қулай жадвалга қўйилиб, бундай тоифадаги аёлларга шанба қўшимча дам олиш куни этиб белгиланган.

Буларнинг ҳаммаси аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, ташкил этиш ҳамда жамоа шартномаларига киритишда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолларининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинаётганлигининг ўзига хос эътирофидир.

Албатта, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолияти ҳақида сўз кетганда, комиссия раиси Дилбар Тўхтаева ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади.

Дилбар опа қаерга бормасин, энг авваl хотин-қизлар учун яратилган шароит билан яқиндан танишади. Ўзи шифокор, оқила бека эмасми, хотин-қизларнинг саломатлиги, иш ва оилавий шароитлари билан қизиқади, муаммолар ечимига кўмаклашади.

— Яқинда соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайдиган Гулҳаё исмли келинчак турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолгани, ҳозир ота-онасиникида яшаётгани, бу фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапириб, маслаҳат сўради, — дейди Дилбар опа. — Унга ётиғи билан тушунтирдим. «Ахир эрингиз билан ўртада бўлиб ўтган жанжални ота уйига етказиб бориб тўғри қилдим, деб ўйлаяпсизми? Турмуш ўртоғингизга икки оғиз ширин сўз айтиб ёки муроса йўлини танлаб, яна аввалгидек апоқ-чапоқ бўлиб кетишингиз мумкин. Бироқ ота-онангиз дилида куёвига нисбатан нафрат туйғусини туғдирсангиз, бу осонгина унутиладиган нарса эмас. Ўртадаги илиқликни осонликча тиклай олмайсиз. Ундан кўра, уйингизга ҳеч нима кўрмагандай қайтиб боринг ва ҳар кунги юмушларингизни бажараверинг. Майда-чуйда гаплар ўз-ўзидан босилиб кетади». Гапларим жувонга таъсир қилди шекилли, орадан бироз вақт ўтиб, яна олдимга келди ва оиласи билан яхши яшаётганини айтиб, ўзининг хатоларини тан олди...

Дилбар опа иш жараёнида бу каби ҳаётий манзараларга кўп бора дуч келган.

— Май ойида Нишон туманидаги «Нишон» ва «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, таълим муассасаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан учрашдик, — дейди опа биз билан суҳбатда. — Ойиндаги 18-ўрта мактабда ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари билан суҳбатлашдик, ёш авлод вакилларининг пазандалик, бичиш-тикиш, уй-рўзғор юмушлари ва бошқа йўналишлардаги интилишларидан қониқиш ҳосил қилдик. Ўз навбатида, балоғат остонасидаги қизларга маслаҳат ва тушунчаларимизни бердик. Нишондаги касб-ҳунар коллежида «Сариштали уй — фариштали уй» мавзусида ўтган давра суҳбати ҳам хотин-қизларнинг фаол муносабатлари, қизғин фикр-мулоҳаза остида кечди.

Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар билан турли кўрик-танловлар ўтказиш, ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш ишларида биргаликда фаолият олиб боряпмиз. Хотин-қизлардан тушадиган ариза ва шикоятларни ҳал қилишда бирлашманинг юридик бўлими яқиндан ёрдам беряпти...

Суҳбатимиз асноси Дилбар опанинг хонасига бир онахон кириб келди. Тўхтаева бу аёлдан соғлиги, оила аъзоларининг аҳволи ҳақида сўради. Ўзини Ойсара Ҳалимова деб таништирган онахон касаба уюшмаларидан миннатдор эканини изҳор қилди:

— Ўзим беморман. Фарзандим ногирон. Дунёда яхши инсонлар борлиги учун ярим кўнглим тўлгандек бўлади. Дилбархонга катта раҳмат. Қачон қабулига келсам, меҳр кўрсатади. Уларнинг ишларига омад тилаб доимо дуодаман...

— Соғлом бола соғлом аёлдан дунёга келади, — дейди Дилбар опа. — Шунинг учун хотин-қизлар ўртасида оммавий спорт тадбирлари уюштиришни тарғиботташвиқот қиламиз. Корхона ва ташкилотларда бир неча спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Энг асосийси, хотин-қизлар онгида ўзига бўлган ишонч, масъуллик ва фаоллик туйғуларининг уйғун равишда ортиб бораётганидир.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Кўрик-танлов

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилишида тармоқнинг бошланғич ташкилотларида ўтказилган «Энг фаол ёш мутахассис» ва «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловлари натижалари кўриб чиқилиб, ғолиблар аниқланди. Улар орасида Андижон вилояти «GM-Uzbekistan» ЁАЖ сифат бошқармаси сифатни таъминлаш бўлими бошлиғи Тўлқинжон Жамолдинов ҳам бор.

МУНОСИБ БАҲО

Тўлқинжон Жамолдинов 1995 йил Тошкент давлат техника университетини тамомлаб, заводга танлов асосида қабул қилинди. Дастлаб сифат кафолати ва назорати бошқармасига сифат назорати бўлими муҳандиси, сўнгра менежер ёрдамчиси, сифат бўйича муҳандиси, штамповка гуруҳи етакчиси вазифаларида меҳнат қилди. Фаолияти давомида Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди. Ўрганганларини амалиётга татбиқ этиб, маҳсулот сифатини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётир. Қатор рационализаторлик таклифлари амалиётга татбиқ этилиши ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Дарвоқе, Т.Жамолдиновнинг мамлакатимиз автомобилсозлик соҳаси ривожи йўлидаги меҳнати муносиб қадрланиб, 2008 йилда Президентимиз фармонига кўра у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

— Бу ютуқ нафақат менинг, балки жамоадошларим меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан. Фаолиятим давомида барча эришган муваффақиятларим устозларим саъй-ҳаракати натижасидир. Мақсадим, юртимизнинг автомобилсозлик соҳаси равнақига ҳиссамни қўшишдан иборат, — дейди Тўлқинжон.

Ўз мухбиримиз

Реклама ўрнида

O‘ZSANOATQURILISHBANK

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда оилавий бизнес, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ҳамда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ишимдан ҳам, банкимдан ҳам кўнглим тўқ!

Ҳукумат топшириқларининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан кичик бизнес субъектларига 261,7 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, улар ҳисобига 4606 та иш ўрни яратилди. Ушбу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп демакдир.

Хусусан, 2014 йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 1,4 баробарга, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,3 баробарга кўпроқ кредитлар ажратилган.

Қобул ТЎРАЕВ,
«FUZAYL BARAKA CHAMANZOR» хусусий корхонаси раҳбари (Бухоро вилояти):

— «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг Қоровулбозор филиалидан 3 йил муддатга 70 млн. сўм кредит олиб, иссиқхона барпо этдик. Натижада йилига 150 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйдик. Лойиҳанинг амалга ошиши туфайли ўндан ортиқ иш ўрни яратилди. Табиийки, даромадларимиз ҳам ошиб борди. Рўй-рост айтадиган бўлсак, бунда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг молиявий кўмаги бизга мадад бўлди.

Васила САИДАЗЕТОВА,
«Fariza Rayxona chevar» хусусий корхонаси раҳбари (Самарқанд вилояти):

— Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилган танловда «Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг энг яхши бизнес лойиҳаси» йўналишида ғолиб деб топилдим. Банк томонидан ажратилган кредитга тикувчилик дастгоҳлари, махсус дазмоллар ҳамда матолар сотиб олиб, иш фаолиятимни кенгайтирдим. Айни пайтда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Маҳсулотларимизга бозорларда талаб катта. Шунинг учун ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Ш.МИРЗАЛИЕВ,
«BIOTEST MEDIKAL» МЧЖ раҳбари (Фарғона вилояти):

— Банкка тақдим этган лойиҳамиздан кўзланган асосий мақсад Фарғона вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш учун рентген-ташхиси ташкил қилишдан иборат эди. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида Жанубий Кореянинг «Comed Medical System Co» компаниясида ишлаб чиқарилган «Titan 2000» русумдаги рақамли рентгенография ускунаси сотиб олиш учун 300 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи ажратишни сўраб «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг Фарғона филиалига мурожаат қилдик. Лойиҳамиз банк мутахассислари томонидан маъқулланган, аҳолига рентген диагностикаси ҳамда биотест лабораторияси хизмати йўлга қўйилди. Натижада, 8 та янги иш ўрни яратилди.

Абдусамад СУЛТОНҚУЛОВ,
«Азизжон» Ф/Х раҳбари (Тошкент вилояти):

— Фермер хўжалигимиз 2000 йилдан буён фаолият кўрсатади. Жумладан, 2013 йилда фермер хўжалигимизда чорвачиликни ривожлантириб, фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкига таянган ҳолда четдан наслли қорамоллар сотиб олиш учун бизнес режа ишлаб чиқиб керакли ҳужжатларни «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Қибрай филиалига тақдим этдик.

Тақдим этган бизнес-режамизга кўра 2013 йилда банк томонидан 750 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шунинг ҳисобига Германия ва Словакиядан 99 бош «Голштин» наслли қорамоллар сотиб олдик.

2014 йилда ҳам банк томонидан 1255,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағини олиб, Австриядан 126 бош «Симментал» ва «Голштин» зотли қорамоллар ҳамда қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилдик. Натижада, 7 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда хўжалигимизда боқилаётган чорва молларимиз 126 бошга кўпайиб, 429 бошни ташкил этди. Ўртача ҳар бир сигирдан 1 суткада 25-30 литрдан сут соғилиб, қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда.

Ҳозирда фермер хўжалигимиз чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик ва иссиқхонада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш фаолияти билан шуғулланиб, кўп тармоқли фермер хўжалиги сифатида ютуқларга эришишида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Тошкент вилояти Қибрай филиалининг салмоқли ҳиссаси бор. Ўтган давр мобайнида банкнинг хизматларидан, хусусан, банк кредит маблағларидан доимий фойдаланиб келмоқдамиз.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ кредит операциялари департаменти бўлими

ЎзА суратлари

Солиқ

Миробод тумани ҳокимлигида кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги раҳбарлари, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг масъул ходимлари, туман прокурори, давлат солиқ инспекцияси, ИИБ, Суд ижро бўлими ҳамда тумандаги бошқарма ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Ижро ва масъулият

Йиғилишда асосий эътибор Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори орқали белгилаб берилган солиқ қарздорлигини қисқартириш орқали прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлаш, жумладан, эгалигида мол-мулк ва ер участкалари мавжуд фуқаролар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда юридик шахсларнинг қарздорлигини қисқартириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасига қаратилди.

Бундан ташқари, солиқ қарздорлигига йўл қўйилган тақдирда қарздорларга нисбатан кўриладиган қонуний таъсир чоралари тўғрисида тушунтирилди ҳамда келгусида амалга ошириладиган ишлар режалаштириб олинди. Шунингдек, йирик солиқ қарздорлиги мавжуд корхона ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиб, жорий йилнинг иккинчи чорагини ижобий якунлаш мақсадида уларга тегишли топшириқлар берилди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилингандан сўнг мажлис қатнашчиларининг қатор саволларига ташкилотчилар томонидан батафсил жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Миллий валютамиз намуналари Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги бош қароргоҳида сақланади. Дунёдаги барча пуллар орасида бизнинг сўмимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг кўриниши ҳам, номланиши ҳам кўнглимизга яқин. Уни кўрганимизда қалбимизда миллий ғурур жўш уради. Ўзбекистоннинг фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Бир дўстим Германияда бўлганини айтиб берганди. У ерга элликка яқин мамлакат вакиллари малака оширишга борган экан. Бир куни улар ўз юртлари ҳақида кўргазмали чиқишлар уюштирибди. Ҳамма ватанини нимаси биландир таништирибди. Кимдир суратларини кўрсатса, яна бироз миллий кийимларини намойиш этибди.

«Менинг навбатим келганида, чўнтагимдан сўмимизни чиқардим, — дейди дўстим. — Бундай тақдимотни кутмаган хорижликлар мени ўраб олди, қўлимдаги пулларни бирма-бир томоша қилди. Уларда акс эттирилган миллий нақшлар, фақат ўзимизгагина хос бўлган безаклар ва суратлар йиғилганларга Ўзбекистон ҳақида тасаввур берди».

Иқтисодий мустақиллигимиз тимсоли

Миллий валютамиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўзгусидир. Унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган. Ўзбек сўмини қўлига олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали, Олий Мажлис биноси тасвирларига кўзи тушади. Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуурида миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга мансуб бўлиб, дунёдаги ҳеч бир валютанинг номи бунчалик қадимий эмасдир. Буюк Ипак йўлида савдо ривожланган ўрта асрларда, айниқса, Амир Темур даврида у халқаро аҳамият касб этган.

Узоқ йиллар давомида муомалада бўлмаган, турли босқинлар оқибатида унут бўлаёзган бу муқаддас сўз истиқлол шарофати билан яна тилимизга қайтди. Иқтисодий мустақиллигимиз асосига, миллий ифтихоримиз рамзига айланди.

...Поездда сафарга кетаётган эдик. Ҳамма бир-бири билан танишиб, суҳбатлашиб бормоқда. Икки йигитнинг гурунги соз келиб, телефон рақамлари, иш манзилларини алмашадиган бўлди. У ёқ-бу ёқни қараб, қоғоз тополмагач, чўнтагидан пул чиқариб, ёза бошлади. Шунда уларни кузатиб турган отахоннинг жаҳли чиқиб кетди. «Ҳой, ўғилларим, пулга ёзманглар — ношукрлик бўлади. Бир пайтлар биз бунга зор эдик, бошқаларнинг пулини пул, дердик. Энди ўзимизнинг сўмимиз бор. Бу пул элники, бугун сенда бўлса, эртага бошқанинг қўлида бўлади. Унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш керак», дея насиҳат қилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир нарсанинг қадр-қиммати инсонларнинг ўзига, ички маданиятига боғлиқ. Миллий валютамизни сифатли ва чиройли сақлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бир юртдошимизнинг бурчига, виждон амрига айланмоғи лозим. Зеро, сўмимиз ҳам давлат байроғи, давлат герби каби мустақиллигимиз рамзларидан биридир.

Ўтган йили 1 июл санаси янги мазмун билан бойиди. Шу кундан бошлаб 5000 сўмлик купюра муомалага чиқарилди.

Миллий валютамизда мустақиллигимиз, миллий ўзлигимиз намоён. Бу валюта Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳамюртларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилаверади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ҳуқуқий саводхонлик

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръати ва иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолияти имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш борасида изчил амалга ошириб келинаётган ислоҳотларда, хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал тараққий эттириш орқали салмоқли натижаларга эришилаяпти.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг янада кенг ва жадал ривожланиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиб берди.

Чунончи, эндиликда тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида қонун ҳужжатларидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилиши мазкур соҳа фаолиятини тартибга солишда мустаҳкам кафолат ролини ўйнайди.

Шунингдек, ҳисобот тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра қоғозда ва ёки электрон ҳужжат шаклида тузилиши мумкинлиги, бу борада давлат тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда ҳисоб юритиш учун дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатилиши ҳақидаги норма белгиланди. Бундан ташқари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), жумладан, давлат органи ёки бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарларнинг ўрни давлат ёки бошқа ташкилотлар томонидан суднинг қарори асосида қопланиши кераклиги белгилаб қўйилгани ҳам эътиборга молик.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари, айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари, тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан тартибга солиниши рағбатлантирилиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлашнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масалаларини тартибга соладиган нормалар мазкур қонунда ўз ифодасини топган.

Бундан кўринадики, янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиздаги тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаб, унинг ривожланиши учун янгидан-янги имкониятларни очиб беради.

Маъруф ХОЛТЎРАЕВ,
ТДИУ 2-курс магистранти

Иш билганга минг танга

Томорқа – кони фойда

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Авғонбоғ қишлоғида деҳқончиликни пухта эгаллаган миришкорлар жуда кўп. Асли касби математик бўлган Жума Қобилов ҳам шундай инсонлардан.

Унинг деҳқончиликдан бир йилда топган соф даромади 15 миллион сўмни ташкил этди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Холовнинг таъкидлашича, Қобиловлар асосан кўчатчилик билан шуғулланади.

Нафақат Жума ака, укаси Баҳром, опаси Тамара, амакилари Рўзиқул, Равшан ҳам томорқадан яхши даромад олишади.

Баҳром Қобиловнинг 8 сотих томорқасида унган помидор ва булғор қалампири кўчатларининг Ғузор, Қарши бозорларидан ташқари Деҳқонобод туманининг Қорашина, Бойқўрғон ва Белибойли қишлоқларида ҳам харидорлари кўп.

Иззат ҲИКМАТОВ

Реклама ва эълонлар

«Касаба қурилиш таъмир» шўъба корхонаси томонидан Самарқанд вилояти Ургут туманида ва Наманган вилояти Норин туманида олиб борилаётган қурилиш ишларига қурувчи-мутахассислар

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 15-«а» уй.

- Мурожаат учун телефонлар: (8571) 298-17-99,
- Самарқанд вилояти бўйича: (+99894) 672-99-56,
- Наманган вилояти бўйича: (+99890) 354-74-51.

Хизматлар лицензияланган.

Мулоҳаза

Пойтахтдаги кўп қаватли уйлардан бирида ёнғин чиқиб, темир эшик ўрнатилган хонадонда икки нафар болакай қамалиб қолди. Яхшики, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари тезда етиб келиб, дераза орқали ичкарига киришга муваффақ бўлди. Бироқ болалардан бири қаттиқ қўрққани, иккинчиси эса тутундан заҳарлангани сабабли шифохонага ётқизилди. Суриштирув чоғида маълум бўлишича, ота-онаси болаларни уйда қолдириб, эшикни ташқаридан қулфлаб кетган ва қаровсиз гўдаклар газ плитасида чой дамламоқчи бўлишган. Натижада, плита устига қуритиш учун илинган кийимлар ўт олган ва аланга ошхона жиҳозларига ўтган.

Болаларни ёлғиз қолдирманг!

Маълумки, ёзги таътил чоғида болалар ўйинқароқлиги оқибатида содир бўладиган ёнғинлар сони бир мунча кўпаяди. Бунга, кўпинча, уларнинг ёлғиз, назоратдан четда қолдирилгани сабаб бўлади. Бундай ҳолда болалар гугурт, электр маиший асбоблар ва газ жиҳозларидан фойдаланишади. Натижада эса олов борган сари кучайиб, ўта хавфли тус олиши ҳеч гап эмас. Шу боис фарзандларимизга гугурт, электр маиший асбоблар ва газ жиҳозларининг ўйинчоқ эмаслигини тушунтириб боришимиз шарт.

Айтиш жоизки, ёнғинлар катта миқдорда моддий зарар келтиришдан ташқари, энг ёмони, инсонлар ўлимига сабаб бўлади. Таътил чоғида гугурт, олов чиқарадиган бошқа асбобларни болалар қўли етмайдиган жойда сақлаш, уйдан чиқиш чоғида электр ва газ асбобларини ўчириш, болаларга электр асбоблари, маиший техника воситаларидан фойдаланишга рухсат бермаслик орқали ўзимизни хавфдан асраймиз.

Ёдингизда бўлсин! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш сизни, оила аъзоларингизни ва мол-мулкингизни асрашда муҳим рол ўйнайди.

Б.ҲИКМАТОВ,
Тошкент шаҳар ЁХБ 12-ҲЁХО катта инспектори, сержант

ТУЗАТИШ: «Ishonch» газетасининг 2014 йил 26 июндаги 78(3427) сонида чоп этилган Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан Ургут тумани, Қуйи Алғар қишлоғидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш объекти бўйича берилган эълондаги буюртмачининг бошланғич нархи ҚҚСсиз 350 896 010 сўм деб ўқилсин.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририятнинг Жиззах вилояти бўйича ўз мухбири Абдуманнон Азимовга падари бузруквори **ЎРОЗБОЙ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Jshonch
2014-yil 1-iyul № 80 (3429)

Эътибор эътирофи

Спортнинг таълим-тарбия билан мутаносиб равишда ривожлантирилиши буюк мақсад ва муддаоларимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётир. Самарқанд вилоятида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён 182 та спорт иншооти қурилди, реконструкция қилинди. Ҳудудда айни пайтда 780 га яқин шундай масканлар фаолият кўрсатаётир. Айни чоғда меҳнаткашларнинг 136 минг 244 нафар фарзанди спортнинг 45 тури билан шуғулланмоқда. Мамлакатимизда кичик олимпиада мақомини олган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ёшлар азму шижоати намойишига айланиб бормоқда.

Бахтиёрлик нашидаси

— Росмана тўп топа олмасдан, қўлбола нарсаларни асфалт йўлда коптоқ қилиб тепиб катта бўлганмиз, — дея хотирлайди касаба уюшмалари фахрийси Садриддин Аслиддинов. — Мактаблар уёқда турсин, бутун бошли туманда битта ўйингоҳни учратиш қийин эди. Болалар бўш вақтларини спорт мажмуаларида эмас, пахта пайкалларида ўтказишарди. Бугунги авлодга ҳар жиҳатдан ҳавас қилиш мумкин.

Ўн беш ёшли Шаҳриёр Жўраев ва Савлат Эргашевлар Таиландда спортнинг муай-тай тури бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатидан олтин медал билан қайтишди. 43 та мамлакатдан келган тенгдошларини қойил қолдирган ёш спортчиларимизнинг икки нафари кумуш, икки нафари бронза медалларни қўлга киритди. Битта баҳсда олтита мединланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига мурувват ёрдамлари кўрсатилаётир. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йил мамлакатимизнинг 5 та вилоятида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, Мурувват уйлари, болалар маҳаллалари тарбияланувчиларидан 200 нафарининг Самарқандга саёҳати ташкил этилди. Сафар доирасида бўлиб ўтган кўнгилли учрашувлар, концерт дастурлари кичкинтойларга манзур бўлди.

«Касаба тур» веломарафонига нафақат меҳнаткашлар, балки уларнинг фарзандлари иштироки ҳам таъминланаётир. Турнинг қуйи босқичларида ғолиб деб топилган 300 нафарга яқин совриндорлар вилоят миқёсида беллашди. Мусобақа қатнашчиларининг тенг ярми болалардан иборатлиги ва улар муносиб рағбатлантирилганини эътироф этиш даркор.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарори билан ўтказилган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови барча болажонлар учун мароқли тадбирга айланди. Танловда 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 300 га яқин маданият муассасаларида санъат сирларини эгаллаётган 12,5 минг нафардан зиёд иқтидорли ёшлар иштирок этди.

— Ҳар бир туман ва қишлоқда барча талабларга жавоб бера оладиган мусиқа ва санъат мактабларининг барпо этилиши болаларда миллий маданиятимизга меҳр уйғотаётир, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдусаидов. — Бу масканларда минглаб ёшлар мумтоз ва замонавий санъатимиз сирларини эгаллаб, маънавий жиҳатдан бой инсонларга айланадилар.

Анвар ШЕРМАТОВ,
Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Самбо

Пойтахтимизда самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида Осиё чемпионати якунланди.

Осиё полвонлари Тошкентда беллашди

Осиё самбо иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада йигирмага яқин давлатдан 350 нафардан зиёд спортчи катталар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда ва жанговар самбо беллашувларида ўзаро куч синашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самарасини бермоқда. Яратилган шароит ва имкониятлар туфайли юртимизда қатор спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақалар юксак савияда ташкил этилмоқда, ўзбекистонлик спортчилар халқаро спорт ареналарида юқори натижаларга эришаётир.

Бу пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Уч кун давом этган турнирда мухлислар қитъа полвонлари иштирокидаги ажойиб беллашувларнинг гувоҳи бўлди.

Осиё чемпионатининг сўнгги кунида ёшлар ва жанговар самбо усталари гиламга чиқди. Ушбу беллашувларда ҳам юртимиз полвонлари муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ёшлар ўртасида Шерзод Тожиев, Жавлон Ҳамидов, Фазлиддин Холмаматов ва Элёр Ҳожиматов ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Тоҳир Асроров, Абдуҳамид Қўчқоров, Муҳаммадшоҳ Иброҳимов кумуш, Шаҳзод Нурматов ва Парвиз Ҳалимов бронза медални қўлга киритди.

Қизлар ўртасида Жаҳоной Туркманова, Нилуфар Раҳмонова, Валерия Суйкова ва Ирина Кулакова олтин медалга муносиб топилди. Спортчиларимиздан яна тўрт нафари кумуш, икки нафари бронза медал билан тақдирланди.

Жанговар самбо беллашувларида Толмас Тўқлиев, Аюбхон Камолов ва Санжар Неъматов Осиё чемпиони бўлди. Раҳматжон Аҳмедов ва Илҳом Йўлдошев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Фурқат Рўзиев, Аброр Яҳёев ва Олим Худойқулов кучли учликдан жой олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Нукус шаҳридаги «Ёш авлод» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида айни кунларда 110 нафар ўғил-қиз мароқли дам олмоқда.

Ушбу сўлим масканда болажонларнинг таътилни мазмунли ўтказиши ва саломатлигини тиклаши учун барча шароит яратилган. Замонавий жиҳозланган компьютер хонаси, кутубхона, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари болалар ихтиёрида.

«Биз — буюк юрт фарзандларимиз!», «Қувноқ стартлар», «Она табиатни асрайлик» ва бошқа турли маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ўғил-қизларда унутилмас таассурот қолдирмоқда. Мавсум давомида бу ерда 550 боланинг дам олиши режалаштирилган.

Суратларда: Нукус шаҳридаги «Ёш авлод» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида.

ЎзА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар

Назм бўстонида

ИСТАЙМАНКИ...

Истайманки, қолсин мангуга Ватан,
Наслу-насабимнинг иссиқ кучоғи!
Фарзандман-ку мен ҳам,
Бир жону бир тан,
Хорлаб қўймас, шукр, Ватан тупроғи.

Борлиғимнинг мазмун-моҳияти у,
Ишонганим тоғим,
Суянганим боғ.
Севмоқ-севилмоқлик хосияти бу,
Ювиб турса меҳр, чўкмас дилга доғ.

Билмам, балки бордир менинг ҳам ўрним,
Бир тупгина ниҳол ўтқазгандирман?
Ватан меҳробида ўзимни кўрдим,
Англадимки, ҳеч ким чиқмаган ердан!

Талтаймасак бўлди онамиз-ку деб,
Токи изтиробга тушмасин она!
Кимки тузлиғига тупурса...
Туз еб,
Демак, биздан эмас,
Бизга бегона.

ЎЗБЕКОНА ЛУТФ

Ватанни соғиндик...
Ватанда туриб,
Йиллар ўтаверди қисиниб, карахт.
Итнинг итлигидан гадойдек қўрқиб,
Тўрва халтамизга яширинди бахт.

Алдаб ўзимизни яшадик узоқ,
Армон бўлди чин бахт, кўнгил озурда.
Босди нон ўрнини тўкилган ушоқ,
Ҳукмронлик қилди кўланка нурда.

Ва сир бой бермадик, тўқ назар бўлиб
Меҳмон-излом кутдик ёзиб дастурхон.
Топталмади шаъни ўзбекнинг, кулиб —
Қарши олдик,
Бошга тепса ҳамки қон.

Ўзбекликча қолдик,
Танти доимо,
Ўзбекона лутф, бу — ташриф қоғози.
Кенгга кенглигини кўрсатди дунё,
Мурод ҳосил бўлди...
Эл-улус рози.

Ўзимизга боғлиқ, шукр, бу ёғи,
Эзгуликка эшдир нурафшон олам.
Гуллаб-яшнар, шаксиз, саодат боғи,
Ўзбекдирмиз, ўзбек!
Бундан буён ҳам...

ТЎРТЛИК

Ўтар рўшноликда эртангиз, дўстлар,
Бўлса бугунингиз эркангиз, дўстлар.
Омад қучоқ очиб турган чоғида
Ташаббусни қўлдан бермангиз, дўстлар.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

Ходимлар манфаати — устувор

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасидаги 30-уйни билмаган, бу даргоҳга иши тушмаган, қўлёзма-ю қоралamаларини устозлар таҳририга рўбарў қилмаган ижод кишиси бўлмаса керак. Чунки бу бинода ватанимиздаги энг кекса нашриётлардан бири «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жойлашган. Китоблар, қолаверса, газета ва журналларнинг ўқувчи қўлига вақтида етиб боришида тунни тун, кунни кун демай ишлаётган ходимларнинг хизмати таҳсинга сазовор. Уларга яратилган шароитлар тўғрисида нашриёт касаба уюшмаси қўмитаси раиси Феруза Миркамолова билан суҳбатлашдик.

Алишер Навоий кўчаси 30-уйда

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ходимлари меҳнатини осонлаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди, — дейди Ф.Миркамолова. — Босмахоналар компьютер технологиялари, бир неча тартибда ишлаш имкониятига эга сўнгги русумдаги дастгоҳлар билан таъминланган. Яқинда устоз журналистлардан бирининг уйига ҳол-аҳвол сўрагани бордик. Суҳбатимиз асносида устоз ўзи ишлаган шароит тўғрисида гапириб берди: «Газетанинг ҳар бир сонини нашрга тайёрлаш, уни чоп этиш минг машаққат эвазига амалга оширилган. Ўнлаб корчалонлардан рухсат теккандан сўнг, саҳифалаш жараёни бошланарди. Босмахонада қўрғошин қайнаб турган қозонлар олдида қора терга ботиб навбатчилик қилардик. Заҳарли бўёқлардан кўтарилаётган буғ димоқни бўғиб қўярди. Ҳозирги ёшлар барча шароитга эга таҳририятлар, босмахоналарда ишлашяпти. Мустақил Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиб, ўзларини амалга оширилаётган ислоҳотларнинг иштирокчиси сифатида намоён қилиш имкониятига эга. Шу маънода уларга ҳавасим келади». Отахоннинг гапида жон бор. Эски «ленотип», заҳарли қўрғошин эритмасидан тайёрланадиган қуйма эскизлар, инсон саломатлиги учун зарарли ҳисобланган бир неча турдаги бўёқлардан мана йигирма йилдирки ноширлик ишида бутунлай фойдаланилмаяпти. Бу иш жараёнини осонлаштириб қолмай, чоп этилаётган маҳсулотлар сифатида ҳам ўз аксини топмоқда. Нашриётимиз бир қатор халқаро сифат сертификатларини қўлга киритган, асосийси, маҳсулотларимиз ўқувчиларга манзур бўлиб келмоқда. Шунингдек, нашриёт таркибида фаолият юритаётган «Гулхан», «Ғунча», «Тонг юлдузи» каби бир неча турдаги газета ва журналлар ижодий жамоасини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилаётир.

— Биламизки, жамоа шартномаси ходимлар манфаатини ишончли ҳимоя қилишда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унинг ижросини таъминлашда касаба уюшма қўмитасининг алоҳида ўрни бор. Бу борада бошланғич ташкилот томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Касаба уюшма қўмитамиз маъмурият билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиб келади. Жамоа шартномасини ҳар йили имкониятдан келиб чиқиб, тўлдириб борамиз. Унга ходимлар учун янгидан-янги имтиёзлар, рағбату имкониятлар тўғрисида бандлар киритамиз. 2013 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаси талабларини тўлиқ бажаришга эришганмиз. Бу ҳақда ҳисобот-конференциямизда ходимларга батафсил маълумот бердик. Жумладан, белгиланган маданий-маърифий тадбирлар, ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича режалар, спорт ва жисмоний тарбия, моддий рағбатлантириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳомиладор аёлларга туғиш таътили пуллари ва бошқа тўловларни амалга ошириш, ёш болали аёлларга қисқартирилган иш вақтини белгилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларида раҳбарият билан ҳамкорликда катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Барча байрамларда ходимлар маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан рағбатлантириб борилади. Жумладан, ўтган йили «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтган Янги йил томошасига ходимларимиз фарзандлари учун 400 та чипта ҳамда Ўзбек Давлат циркидаги томошаларга 200 та чипта сотиб олинди. Бундан ташқари, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрами, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Мустақиллик байрамида театрлар ва томошаларга чипталар тарқатилди, қимматбаҳо совғалар улашилди. Ходимларнинг соғлиғини тиклаш мақсадида санаторий-профилакторийларга 12 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган сиҳатгоҳларда 10 та ходимимиз имтиёзли йўлланма билан соғлиғини тиклаб қайтди. «Фазогир» оромгоҳида 37 нафар бола, «Семурғ» оромгоҳида 8 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Ходимларга соғлигини тиклаши учун 3440000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, бир неча марта ходимлар кунлик дам олиш масканларига юборилди. Кўплаб спорт ўйинлари, мусобақалар уюштириб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, ходимларимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан, шунингдек, тармоқ ходимлари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда ҳамиша муваффақиятли иштирок этиб келишади.

— 2014 йил учун белгиланган режаларни амалга оширишда нималарга эътибор қаратиляпти?

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури, Касаба уюшмалари Федерацияси дастурларида белгиланган вазифалар доирасида ўз иш режамизни ишлаб чиққанмиз. Бу йил оммавий маданий-маърифий тадбирлар ва болалар билан ишлаш учун 40 560 000 сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, иш берувчи билан келишилган ҳолда жойларда аҳолининг кенг қатламларини маданий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштириш, оромгоҳларга йўлланмалар олиш учун ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бевосита касаба уюшма қўмитаси маблағидан соғлиғини тиклаш масаласида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилувчи ходимларга 4 320 000 сўм ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари, фаолларни моддий рағбатлантириш, ходимларни мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатини уюштириш ва бошқа қатор бандлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадига йўналтирилган ҳаракатларимиз давом этмоқда.

Журналист
Саида ИБОДИНОВА
суҳбатлашди.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va murojaatlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20. 50
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 718 | 13929 nusxada bosildi | 1 3 4 5